

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 417-ҳадис

417 - وَعَنْ أَبِي بَرزَةَ - بِرَاءٍ ثُمَّ زَائِيٍّ - نَضْلَةَ بْنِ عُبَيْدِ الْأَسْلَمِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَا تَزُولُ قَدَمَا عَبْدٍ حَتَّى يُسْأَلَ عَنْ عُمُرِهِ فِيْمَ أَفْنَاهُ، وَعَنْ عِلْمِهِ فِيْمَ فَعَلَّ، وَعَنْ مَالِهِ مِنْ أَيْنَ اكْتَسَبَهُ وَفِيْمَ أَتَقَفَّهُ، وَعَنْ جِسْمِهِ فِيْمَ أَبْلَاهُ» رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَقَالَ: حَدِيثٌ حَسَنٌ صَحِيحٌ [2417].

اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ عِلْمٍ لَا يَنْفَعُ وَمِنْ قَلْبٍ لَا يَحْشَعُ وَمِنْ نَفْسٍ لَا تَشْبَعُ وَمِنْ دَعْوَةٍ لَا يُسْتَجَابُ لَهَا

417. Абу Барза Назла ибн Убайд Асламий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Киши Қиёмат куни умрини нима билан ўтказгани, илмини нимага йўналтиргани, молини қаердан топиб, қаерга инфоқ қилгани ва жисмини нима билан фойдаланиб, эскитгани ҳақида ҳисоб-китоб қилинмагунча икки қадами жилимайди», дедилар.

Имом Термизий ривоятлари.

Шарҳ: Биринчи: Умр ҳақида сўралиш.

Умр кишининг сармоясидир. Ким сармоясини зое қилса, аниқ зиёнкорга айланади.

Сиз ўз умрингиз бўлмиш ва сизга сездирмай ўтиб бораётган бу кунлар, бу

ойлар, бу йиллардан Аллоҳ таоло ҳузурида ҳисоб бермайман деб ўйлайсизми?!

Аллоҳ таоло айтади: «**Ёки сизларнинг гумонингизча, Биз сизларни беҳуда** (яъни дунёда сизларга бирон вазифа бермайдиган, охирада ҳисоб-китоб қилмайдиган ҳолда) **яратдигу, сизлар Бизнинг ҳузуримизга қайтарилмайсизларми?!**» (Ундоқ эмас)! **Зотан Ҳақ Подшоҳ - Аллоҳ** (бирон ишни беҳуда қилишдан) **юксакдир. Ҳеч қандай барҳақ илоҳ йўқ, магар У - улуғ арш соҳиби барҳақдир**» (Муъминун сураси, 115-116-оятлар).

Эй мусулмон! Кунлар ўз ортидан ой ва йилларни эргаштириб ўтиб бораверади. Бир авлод ортидан иккинчисининг умри поёнига етмоқда. Охир оқибат бу дунёдан ўтиш ва Буюк Подшоҳ ҳузурида туриш бордир.

Яшаб ўтган умрнинг ҳар соатидан, ҳар кунидан, ҳар ойдан, ҳар йилдан, қўйингки умрнинг ҳаммасидан ҳисоб бериш турибди олдимизда!!

Ҳасан ал-Басрий раҳимаҳуллоҳ айтадилар: «Эй одамзот! Сен кунлар йиғиндисидан иборатсан. Бир кунинг ўтгани бир бўлагинг ўтганидир, бир бўлагинг ўтганинг ҳамманг ўтганидир».

Ҳасан ал-Басрий раҳимаҳуллоҳ яна айтадилар: «Ҳар бир кун тонг отаркан, ҳол тили билан: «Эй одамзот, мен янги яратилган кунман, сенинг амалингга гувоҳман, мени ғанимат билгин, кетсам то қиёматгача қайтиб келмайман», деб нидо қилади».

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу айтардилар: «Аллоҳга қасамки, қуёши ботиб, умрим муҳлати бир кунга қисқарган, аммо амалим зиёда бўлмаган кунга ачинганимча бирор нарсага ачинмадим».

Умр ҳақиқий сармоядир. Қасамки, бизга ушбу муборак сармоя ўйин-кулги ва енгил-елпи ҳаёт кечириш учун берилмаган! Қасамки, биз беҳуда ишлар учун яралмаганмиз, улуғ ғоя ва буюк мақсадлар учун яратилганмиз.

Аллоҳ жалла ва ало айтади: «**Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим**» (Ваз-зарият сураси, 56-оят).

Аллоҳ таоло халқларини мана шу мақсад учун яратган. Қасамки, биз умрларимизни беҳуда ўйин-кулгилар учун яратилган эмасмиз.

Қуръони каримда Аллоҳнинг пайғамбари Яҳё алайҳиссалом ҳақларида келган мана бу сўзлар нақадар гўзал: «(Биз унга): «**Эй Яҳё, Китобни** (яъни Тавротни) **маҳкам ушлагин**», (дедик) **ва унга гўдаклик чоғидаёқ ҳикмат-маърифат ато этдик**» (Марям сураси, 12-оят).

Жумхур муфассирлар сўзларига кўра, Аллоҳ таоло унга гўдаклик чоғидан ҳикмат-донишмандлик ато этган экан. Пайғамбарлик берилишидан олдин бир куни тенгдошлари унинг олдига келиб: «Юр, ўйнаймиз, эй Яҳё», дейишганида у: «Аллоҳга қасамки, биз ўйин-кулги учун яратилган эмасмиз, Аллоҳга қасамки, биз беҳудалик ва лаҳв учун яратилган эмасмиз», деб жавоб берган экан.

Ҳа.. Аллоҳга қасамки, биз умрларни зое қилиш учун яратилган эмасмиз.

Эй бепарволик билан умрини зое қилаётган инсон! Унутмагин, ўтаётган мана шу соатларинг учун албатта ҳисобга тортиласан!

Эй умрини ғафлатда ўтказаяётган инсон! Унутмагин, дунё ҳаёти ҳар қанча узок бўлмасин, барибир қисқа.. Дунё ҳар қанча улкан бўлмасин, барибир ҳақир.. Чунки, кеча ҳар қанча узун бўлмасин, барибир тонг отиши бор.. Умр ҳар қанча узун бўлмасин, барибир қабрга кириш бор.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам орзу-ҳавасларга берилишдан огоҳлантириб, Ибн Умар розияллоҳу анҳумога айтганлар: «**Дунёда ғариб ёки йўловчидек бўл**» (Имом Бухорий ривояти).

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумо айтардилар: «Кун ботса, тонгни кутма, кун чиқса, кеч бўлишини кутма» (яъни, ҳозирги умрингдан фойдалан, амал қил. Кечгача ё эртагача бормисан ё йўқмисан).

Иброҳим Адҳамдан сўрадилар: - Эй Иброҳим, қандай қилиб дунёдан зоҳид бўла олдингиз?.

Иброҳим деди: - Уч нарса билан.

- Нима у уч нарса?

- Қабрни қўрқинчли эканини, унда менга бирон мунис, ҳамдам бўлмаслигини кўрдим. Йўлнинг узоклигини, ёнимда эса йўл озукаси йўқлигини кўрдим. Осмонлару Ернинг Парвардигори қози бўлишини, ундан мени ҳимоя қиладиган ҳимоячим йўқлигини кўрдим.

Дунёнинг ҳаммаси заволга юз тутади, умринг охири фано дир.

«Ёки сизларнинг гумонингизча, Биз сизларни беҳуда (яъни дунёда сизларга бирон вазифа бермайдиган, охиратда ҳисоб-китоб қилмайдиган ҳолда) яратдигу, сизлар Бизнинг ҳузуримизга қайтарилмайсизларми?!» (Ундоқ эмас)! **Зотан Ҳақ Подшоҳ - Аллоҳ** (бирон ишни беҳуда қилишдан) **юксакдир. Ҳеч қандай барҳақ илоҳ йўқ, магар У - улуғ арш соҳиби барҳақдир** » (Муъминун сураси, 115-116-оятлар).

Қиёмат куни умрингиздан сўралмагунча қадамингиз қимирламайди.

Эй ғафлат ичра қимматбаҳо матоси ва ҳақиқий сармояси бўлган умрини зое қилиб юрган инсон, кўзингни оч!! Унутмагинки, ўтаётган ҳар бир кунинг сени дунёдан узоқлаштириб, охиратга яқинлаштирмоқда!

Луқмон ҳаким фарзандига деди: Эй фарзанд! Сен дунёга келган кунингдан бошлаб, дунёни ортингда қолдириб, охират сари юриб бормоқдасан.. Сен ўзинг яқинлашиб бораётган ҳовлига узоқлашиб бораётганинг ҳовлидан кўра яқинроқсан..

Фузайл ибн Иёз бир кишидан сўради:

- Ёшингиз нечада?

- Олтмишда, - жавоб берди у.

- Демак, сиз олтмиш йилдан бери Аллоҳ ҳузурига қараб бораяпсиз экан, етишингизга ҳам оз қолибди.

- Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиуун (Ҳаммамиз Аллоҳникимиз ва Аллоҳ ҳузурига қайтамиз), - деди киши.

- Эй биродар, бу сўзларнинг маъносини биласизми? - сўради Фузайл.

- Ҳа, биламан. Мен Аллоҳнинг бандасиман ва Унинг ҳузурига қайтаман.

- Эй биродар! Ким ўзининг Аллоҳга банда эканини ва Унга қайтажак эканини билса, ўзининг Унинг олдида туришини билади. Ким Унинг олдида туришини билса, ўзининг сўроққа тутилажак эканини билади. Ким ўзининг сўроққа тутилишини билса, саволга жавобини тайёрлаб қўйсин.

- Чораси нима? - сўради ҳалиги киши йиғлаб.

- Осон - деди Фузайл.

- Менга айтиб беринг, Аллоҳ сизга раҳматини ёғдирсин.

- Қолган умрингизда Аллоҳдан тақво қиласиз, Аллоҳ ўтган ва бўлажак гуноҳларингизни кечиради.

Иккинчи: Билган илмига қандай амал қилгани ҳақида сўралиш.

Яхши билингни, эртага, қиёмат куни жумъа хутбаларида эшитган ё илм

мажлисларида эшитган ё китобдан ўқиб билган ҳар бир калима ҳақида сўроққа тугиласиз. Ўқиган-билган илмингиздан сўраласиз, илмингга қандай амал қилдинг, деган савол сизга кўндаланг бўлади! Ўйлаб кўринг, қачонлардан бери, қанчалаб марта Аллоҳнинг каломини эшитганмиз?! Қачонлардан бери, қанчалаб марта Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларини эшитганмиз?! Шундай бўлгани ҳолда, билган нарсамиз, яъни илмимиз билан унга амал қилиш ўртасида жуда катта жарлик борлиги кўришиб туради. Мана шу жарлик нифоқ сабабларидан биридир, агар билсангиз!

Аллоҳ таоло айтади: **«Эй мўминлар, сизлар нега ўзларингиз қилмайдиган нарсани айтасизлар?! Сизларнинг ўзларингиз қилмайдиган нарсани айтишларингиз Аллоҳ наздида ўта манфур (ишдир)»** (Саф сураси, 2-3-оятлар).

Аллоҳ таоло айтади: **«Одамларни яхшиликка чорлаб, ўзларингизни унутасизларми? Ҳолбуки, ўзларингиз китоб (Таврот) тиловат қиласизлар. Ақлингизни юргизмайсизларми?»** (Бақара сураси, 44-оят).

Илм бу ҳаётда талаб қилинадиган энг қимматбаҳо матодир. Ҳеч шубҳасиз, Аллоҳни таниш, дунёю охиратда Унинг розилигига етиш йўли шаръий илм ўрганиш орқали бўлади. Илм йўлида мол сарф қилинади, илм учун умр сарф қилинади, илм учун вақт сарф қилинади. Катта фидокорлик талаб қилувчи энг қимматбаҳо нарса ҳам илмдир. Аллоҳ таоло Ўз пайғамбарига бирон нарсада зиёдалиқ талаб қилишни буюрмагани ҳолда, фақат илмда зиёдалиқ талаб қилишга амр этди. Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга хитобан шундай деди: **«Айтинг: Парвардигорим, илмимни янада зиёда қилгин»** (Тоҳа сураси, 114-оят).

Аллоҳ таоло айтади: **«Аллоҳдан бандалари орасидаги олимларгина кўрқур»** (Фотир сураси, 28-оят).

Аллоҳ таоло айтади: **«Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража-мартабаларга кўтарур»** (Мужодала сураси, 11-оят).

Аллоҳ таоло айтади: **«Аллоҳ, фаришталар ва илм аҳллари — адолат билан ҳукм қилувчи ёлғиз Аллоҳдан ўзга ҳеч қандай барҳақ тангри йўқ, фақат Унинг Ўзи ҳақлигига гувоҳлик бердилар. Ҳеч қандай барҳақ тангри йўқ, фақат Унинг Ўзи ҳақдир. У қудратли, хикмат эгасидир»** (Оли Имрон сураси, 18-оят).

«Саҳиҳайн»да Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганлар: **«Албатта Аллоҳ илмни бандалари (қалби)дан суғуриб олиш билан олиб кўймайди, балки илмни олимларни олиш билан олиб кўяди. Ҳатто**

бирон бир олимни қолдирмагач, одамлар жоҳил кимсаларни ўзларига бош қилиб олишади, улардан (фатво) сўралганда илмсизлик билан фатво бериб, (ўзлари ҳам) адашиб, (бошқаларни ҳам) адаштиришади» (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

«Саҳиҳайн»да Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Аллоҳ кимга яхшилик истаса, уни динда фақиҳ-олим қилиб қўяди»** (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

«Саҳиҳайн»да ривоят қилинган яна бир ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Алий розияллоҳу анҳуга айтганлар: **«Аллоҳга қасамки, Аллоҳ сен сабабли бир кишини ҳидоят қилиши сен учун қизил туялар бўлишидан кўра яхшироқдир»** (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа ва бошқалар Абу Дардо розияллоҳу анҳудан ривоят қилишган ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганлар:

«Ким илм талабида бир йўлга кирса, Аллоҳ унга жаннат йўлини осон қилиб қўюр. Дарҳақиқат, фаришталар илм толибининг бу қилган ишидан рози бўлиб, ўз қанотларини унинг оёқлари остига тўшарлар. Олимга осмонлару-ердагилар, ҳатто сувдаги балиқлар ҳам дуо-истиғфор айтадилар. Олимнинг обиддан афзаллиги худди тўлин ойнинг бошқа юлдузлардан афзаллиги кабидир. Дарҳақиқат, уламолар пайғамбарларнинг меросхўрларидирлар, пайғамбарлар эса тилла ҳам, кумуш ҳам мерос қолдирмаганлар, балки илмнигина мерос қилиб қолдирганлар. Кимда-ким уни олган бўлса, мўл улушни олибди» (Абу Довуд ва Термизий ривояти).

Аллоҳ кимга илм ато этган бўлса, унга ҳамма яхшиликни ато этибди. Чунки, Аллоҳ таоло дунёни Ўзи яхши кўрган кишисига ҳам, суймаган кишисига ҳам бераверади. Аммо, динни фақат Ўзи суйган бандасига беради. Аллоҳ кимга яхшилик истаса, уни динда фақиҳ, яъни олим қилиб қўяди.

«Саҳиҳ Муслим»да ва бошқа ҳадис тўпламларида ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганларидек: **«Инсон вафот этгач, барча амаллари ундан узилади: фақат учта амали(дан савоб келиб туради): садақаи жориядан, фойдаланиб туриладиган илмдан ва ҳаққига дуо қилиб турадиган солиҳ фарзанддан»** (Имом Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривояти).

Агар илм сизнинг қалбингизни ва аъзоларингизни амалга ва Аллоҳнинг тақвосига қўзғотолмаса, у илмда на яхшилик, на барака бор.

Илм агар амалга етакламаса, унинг нима фойдаси бор?! Илм агар сизу бизни Аллоҳ субҳанаху ва таолога яқинлаштирмаса, унинг нима фойдаси бор?!

Диллар агар еру осмонлар Парвардигорига ибодат қилмаса, у дилларни ларзага келтирадиган бу маърузаларнинг, хутбалару таъсирчан сўзларнинг нима фойдаси бор?!

Бу илм бизга Аллоҳдан қўрқишни олиб келмаса, бу илм қалбимизга тақво ҳосил қилмаса, унинг нима фойдаси бор?!

Бу илм бизга суннатга муҳаббат ва бидъатга нафрат олиб келмаса, унинг нима фойдаси бор?!

Имом Шотибий ўзининг қимматли «Ал-мувофақот» номли китобида айтади: «Амални ифода этмайдиган ҳар қандай илмни шариатда яхши санашга далолат қилувчи нарса йўқдир».

Аллоҳ таоло айтади: **«Одамларни яхшиликка чорлаб, ўзларингизни унутасизларми? Ҳолбуки, ўзларингиз китоб (Таврот) тиловат қиласизлар. Ақлингизни юргизмайсизларми?»** (Бақара сураси, 44-оят).

«Саҳиҳайн»да Усома ибн Зайд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: **«Қиёмат куни бир кишини олиб келиниб, дўзахга улоқтирилади. Ичаклари қорнидан чиқиб кетиб, улар билан тегирмон айлантираётган эшакдек (доира шаклида) айланаверади. Жаҳаннам аҳли унга йиғилиб келиб: «Эй фалончи, сизга нима бўлди, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтариб юрган эмасмидингиз ахир?», дейишади. «Ҳа, яхшиликка буюрардим-у, ўзим қилмас эдим, ёмонликдан қайтарар эдим-у, ўзим қилаверар эдим», дейди»** (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам фойдасиз илмдан паноҳ тилардилар.

«Саҳиҳ Муслим» ва «Сунан ут-Термизий»да Зайд ибн Арқам розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда айтилишича, у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам дуоларида шундай дердилар:

«Эй Аллоҳим, мен фойдасиз илмдан, хушўйсиз қалбдан, тўймас нафсдан ва қабул қилинмас дуодан Ўзинг паноҳ беришингни тилайман» (Абу Довуд ва Насайй ривояти).

Абу Дардо розияллоҳу анҳу айтадилар: «Қиёмат куни мендан: «Илм

ўқидингми ё жоҳил бўлдингми?» деб сўралса, мен: «Илм ўқидим» десам, шунда Аллоҳнинг Китобидан биронта ҳам буюрувчи ё қайтарувчи оят қолмасдан, ҳаммаси менинг олдимга келиб, унга амал қилганимдан сўраса, буюрувчи оят келиб: «Буйруғимга бўйсундингми?!», деса, қайтарувчи оят келиб: «Қайтариғимдан тийилдингми?!» деса, мен ана шундан қаттиқ кўрқаман. Бас, шундоқ экан, мен фойдасиз илмдан, хушўйсиз қалбдан, тўймас нафсдан ва қабул қилинмас дуодан Аллоҳнинг Ўзидан паноҳ тилайман» (Байҳақий, Дорамий ва Ибн Абдулбарр ривоят қилганлар).

Илм кўп ривоят қилиш дегани эмас, ҳақиқий илм Аллоҳдан кўрқув олиб келадиган, амалга чорлайдиган илмдир.

Алий розияллоҳу анҳу айтадилар: «Эй илм аҳли, унга амал қилингиз! Зеро, олим – илм ўқиган, сўнг амал қилган ва илми амалига мувофиқ келган кишидир. Ҳали шундай қавмлар келадик, илмлари ҳалқумларидан ўтмайди, ичлари ташларига зид келади, илмлари амалларига хилоф бўлади, бир-бирларига мақтанишиб, ҳалқа-ҳалқа бўлиб ўтиришади, ҳатто бир киши ўз ҳалқасидаги киши бошқа бир ҳалқага бориб ўтирса, ундан ғаблланади ва уни тарк қилади. У кишиларнинг бу амаллари Аллоҳ азза ва жалла ҳузурига кўтарилмайди».

Молик ибн Динор раҳимаҳуллоҳ айтадилар: «Олим агар илмига амал қилмаса, унинг мавъизаси қалбларда худди ёмғир томчиси силлиқ тошда ўрнамаганидек ўрнамайди».

Ибн Саммок раҳимаҳуллоҳ айтганларидек, қанча-қанча Аллоҳни эслатувчи кишилар бўладик, ўзлари Уни унутган бўлади. Қанча-қанча Аллоҳдан кўрқитувчилар бўладик, ўзлари Аллоҳдан кўрқмайдиган бўлади. Қанча-қанча Аллоҳга яқинлаштирувчилар бўладик, ўзлари Аллоҳдан узоқ бўлади. Қанча-қанча Аллоҳга чорловчилар бўладик, ўзлари Аллоҳдан қочувчи бўлади. Қанча-қанча Аллоҳнинг Китобини ўқувчилар борки, ўзлари Аллоҳнинг оятларидан суғурилувчи бўлади.

Модомики, илм ўз эгасини Аллоҳ таолога бандалик қилдирмас экан, унинг асло қиймати йўқдир. Илм ўз эгасини Аллоҳ таолога яқинлаштирамас экан, унинг ҳеч қандай вазни йўқдир. Илм ўз соҳибига Аллоҳдан кўрқувни келтирмас экан, унда яхшилик йўқдир. Шаръан эътиборли илм – ўз соҳибини Аллоҳнинг амрларига бўйсунуш ва қайтариқларидан тийилиш ҳамда Аллоҳнинг ҳад-ҳудудларида туриш орқали Аллоҳга яқинлаштирадиган ҳар қандай ишга мажбурлайдиган илмдир.

Қиёмат куни банда то илмига қандай амал қилгани ҳақида сўралмай туриб, унинг қадами ўрнидан жилмайди.

Учинчи: Молини қаердан топгани ва нималарга сарфлагани ҳақида сўралиши

Мол энг катта неъматлардан биридир. Мол-дунё ва бола-чақа дунё ҳаёти зийнатидир.

Аллоҳ таоло айтади: **«Мол-мулк, бола-чақа шу ҳаёти дунё зийнатидир»** (Каҳф сураси, 46-оят).

Эътибор беринг, ушбу оятда Аллоҳ таоло мол-мулкни бола-чақадан олдин зикр қилди. Мол-мулк зийнатдир, улкан неъматдир. Лекин, бу неъматнинг қадрини молдан бўлган ғоя-мақсадни тўғри англаган кишигина билади. Мол нақадар яхши неъматдир агар унинг жилови солиҳ кишилар қўлида бўлса!!

Мол-мулк неъматдир, унинг қадрини фақат молдан бўлган мақсадни яхши тушунган, молнинг йўқолиб кетувчи соя ва қайтариб олинадиган омонат эканини яхши англаган солиҳ ва тақволи зотлар билади.

Мол-мулк Аллоҳ таоло томонидан сизга ато этилган неъматдир, Аллоҳ таоло сизни у билан зийнатлаган зийнатдир.

Лекин, билиб қўйинг, мана шу мол-мулкнинг ҳаммасидан сўраласиз, қаердан топганингиз ва нима ишларга сарфлаганингиз ҳақида жавоб берасиз. Ҳа, жиддий ўйлаб кўрсангиз, бу жуда оғир савол! Банданинг қалбига кўрқув соладиган ва молни қўлга киритишдан олдин ўз нафсини минглаб марта саволга тутишга мажбур этадиган савол!

Эй ҳаром нарсалар билан савдо қилувчи, мол-дунё йиғишдан бошқа ғами бўлмай, ҳаром нарсалар савдоси билан шуғулланувчи! Кўзингни оч, эртага бу ҳаром йўллар билан топган молингни ҳисобини қандай берасан?! Махфию ошкор барча нарсани билувчи Зот ҳузурида ҳисобга туришдан, молингни қаердан топдинг ва нима ишларга сарф этдинг, деган саволга тутилишдан олдин, шу бугун молингни тозалаб ол!

Мол нақадар яхши неъматдир агар унинг жилови солиҳ кишилар қўлида бўлса!!

Молдан бўлган ғоя-мақсад нималигини, молнинг инсон ҳаётидаги вазифаси нимадан иборат эканини яхши билувчи тақволи мўмин учун мол-дунё улкан неъматдир.

Бинобарин, «Саҳиҳайн»да ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганларидек:

«Фақат икки нарсага ҳасад (яъни ҳавас) қилса бўлади: Аллоҳ таоло бировга мол-давлат берса ва у кеча-кундуз молдан инфоқ-эхсон

қилса. Аллоҳ таоло бировга Қуръон ато этса ва у кеча-ю кундуз Қуръон (ўқиш, унга амал қилиш) билан қоим бўлса!» (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Мол қачонки ундан бўлган ғояни биладиган бир солиҳ кишининг қўлига тушсагина неъматга айланади. Оптимизда қолдириб кетадиган молимиз бизнинг молимиз бўлмайдди, энди у аллақачон ворисларнинг молига айланган бўлади. «Саҳиҳул Бухорий»да Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Қай бирингизга ворисининг моли ўзининг молидан суюмлироқ?»**, дедилар. «Эй Расулуллоҳ, ҳаммамизга ҳам ўз моли ворисининг молидан кўра суюмлироқ», деб жавоб беришди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **«Албатта, (охирати учун) юбориб қўйгани ўз молидир, ортида қолдиргани эса ворисларининг молидир»**. (Имом Бухорий ривояти).

«Саҳиҳ Муслим»да Абдуллоҳ ибн Шиххир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига бордим, у зот: «Алҳақумут-такасур» сурасини ўқиётган эканлар. Айтдилар: **«Одамзот: «молим, молим» дейди. Эй одамзот, сенга молингдан фақат еб-тугатганинг ё кийиб-эскиртирганинг ёки садақа қилиб, (охиратингга) ўтқизиб қўйганингдан бошқа бирон нарса борми?!»**. (Имом Муслим ривояти).

Шунинг учун ҳам «Сунан ут-Термизий»да Оиша розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда шундай дейилади: «Бир қўй сўйилди ва садақа қилинди, фақат курагигина қолди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Қўй гўштидан бирор нарса қолдими?»** деб сўрадилар. «Фақат кураги қолди», дедилар. **«Курагидан бошқа ҳамма жойи қолибди»**, дедилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам (Имом Термизий ривояти).

Эртага қиёматда, мол-дунё ҳам, фарзандлар ҳам фойда бермайдиган кунда амалларингиз тарозисида фақат садақа қилиб юборган ўша молингиз қолади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мана бу ҳадисларига қулоқ солинг. «Саҳиҳ Муслим»да Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда у зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар:

«Аллоҳ пок Зот, фақат покиза нарсаларни қабул қилади, Аллоҳ таоло пайғамбарларга буюрган нарсани мўминларга ҳам буюрди: «Эй пайғамбарлар, ҳалол-пок таомлардан енглар ва яхши амаллар қилинглар!» (Муъминун сураси, 51-оят).

«Эй мўминлар, сизларга ризқ қилиб берганимиз — покиза нарсалардан енглар» (Бақара сураси, 172-оят).

Сўнг у зот узоқ йўл босиб, чангга беланган, қўлларини кўкка чўзиб: «Эй Парвардигорим, эй Парвардигорим!», деб дуо қилаётган, бироқ егани, ичгани, кийгани ҳаром бўлган ва ҳаром билан озиқланган киши ҳақида сўзлаб: «**Унинг дуоסי қандай ижобат бўлсин?!**», дедилар (Имом Муслим ва Термизий ривояти).

Ҳаром еган одамнинг дуоסי қандай ижобат бўлсин?! Ҳаром ичган одамнинг дуоסי қандай ижобат бўлсин?! Бола-чақасига ҳаром едириб-ичирган одамнинг дуоסי қандай ижобат бўлсин?! Ҳозирги пайтда ҳалол-пок емак-ичмак талаб қилиш борасида жуда катта эътиборсизлик кўзга ташланади. Одамларни кўрасизки, қандай қилиб бўлмасин, мол-дунё жамғариш пайида, ҳалолдан топадими, ҳаромданми, ҳатто судхўрлик қилиб топадими, одамларнинг молларини ботил йўл билан қўлга киритиш биланми, фарқсиз, мол йиғса бўлди!! Ваҳоланки, бу дунёдан кетар пайти бир дирҳам ё бир динорни ўзи билан олиб кетолмайди!

Ҳа.. Қиёмат куни банда молини қаердан топиб, нимага сарф қилгани ҳақида сўралмагунча қадами силжимади..

Тўртинчи: Жисмини нима ишларда қаритгани ҳақида сўралиши

Аллоҳ таоло айтади: «**Албатта, қулоқ, кўз, қалб — буларнинг барчаси тўғрисида** (ҳар бир инсон) **масъул бўлур**» (Исро сураси, 36-оят).

Қалб ўзида жо бўлган эътиқоддан сўралади. У Аллоҳ ва Расулининг муҳаббати билан тўла бўлганми, мўминларга муҳаббат руҳи билан суғорилганми, шу билан бирга ширкка, мушрикларга, ботил ва унинг аҳлига нисбатан нафратга тўла бўлганми, мана шу ҳақда сўралади.

Қулоқ ўзи эшитган ҳар бир нарса тўғрисида, кўз ўзи кўрган ҳар бир нарса тўғрисида сўроққа тутилади.

Банда Аллоҳ ҳузурида фақат мана шу аъзоларидангина сўралади, деб ўйлайсизми?!

Йўқ.. Ундай эмас.. Бутун жисмидан, баданидаги ҳамма аъзоларидан сўроққа тутилади.

Жисмидаги аъзолари ўзлари воситасида унинг нима қилгани, нима қўйгани, қаерга боргани, нималар дегани, нимани кўргани, нимани эшитгани, нимани яхши кўргани, нимани ёмон кўргани... ҳақида гувоҳлик беради. Қўлоғи ва барча аъзолари унга қарши шоҳидлик беришади.

Аллоҳ таоло айтади:

«Бу кун Биз уларнинг оғизларини мухрлаб қўюрмиз. Бизга уларнинг қилиб ўтган ишлари ҳақида — уларнинг қўллари сўзлар ва оёқлари гувоҳлик берур» (Ясин сураси, 65-оят).

Аллоҳ таоло айтади:

«Аллоҳнинг душманлари дўзахга (ҳайдалиш учун) тўпланиб, тизилиб турадиган Кунни (эсланг). Энди қачонки улар (дўзахга) келишгач, (ҳаёти дунёда қилиб ўтган кўфру исёнлари ҳақида сўралади, лекин улар ўз қилмишларидан тонишга уринадилар. Шунда) уларнинг кулоқлари, кўзлари ва терилари улар қилиб ўтган нарсалари ҳақида ўзларига қарши гувоҳлик беради. Улар териларига «Нима учун бизга қарши гувоҳлик бердинглар?», дейишганида, (терилари): «Бизларни барча нарсани сўзлатган зот Аллоҳ сўзлатди, дедилар. Сизларни дастлаб У яратган ва сизлар яна Унинг Ўзигагина қайтарилурсизлар», » (Фуссилат сураси, 19-21-оятлар).

Бутун баданингиз сизга қарши гувоҳлик беради. Сиз ҳали бу жисмни нима ишлар устида қаритганингиз ҳақида сўроққа тутиласиз. Жисмингизни дунё ва охираат ишларида қаритмоқдамисиз ё фақат дунё иши билангинами?!

Инсон жисмини дунё ва охираат ишларида қаритса, зарари йўқ. Аммо, агар ўз жисми ва жасадида бўлган Аллоҳнинг ҳаққини, охираат ҳаққини зое қилиб туриб, уни фақат дунё ишларида қаритган бўлса, мана шуниси зарар ва ўзи учун ёмон зиёнкорлик бўлади.

Маъли, тижорат қилинг, дунёнгизни обод қилинг, бунёдкорлик билан машғул бўлинг, ҳалолдан мол жамғаринг. Лекин, Аллоҳ таолонинг ҳаққини ҳам унутманг! Дунёнгиз учун абадий яшайдигандек, охираатингиз учун эса худди эртага ўладигандек амал қилинг. Бу иккисини бирга олиб боришнинг зарари йўқ.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аллоҳим, мен учун ишларимнинг ҳаммасини саломат сақловчи бўлган динимни, тирикчилигим бўлган дунё ҳаётимни, оқибатим бўладиган охираатимни ислоҳ этгайсан»** деб дуо қилардилар (Имом Муслим ривояти).

Бутун умрингизни дунё учун сарфлаб, охираатни эсдан чиқариб қўйманг. Қиёмат куни бўлганида дунёга қайтарилишни истаб қоласиз, қанийди қайтарилсам, фақат охираатим учун амал қилган бўлардим, деб орзу қилиб қоласиз.

Аллоҳ таоло айтади:

«Токи қачон улардан (яъни иймонсизлардан ёки иймонни даъво қилиб

Аллоҳнинг буйруқларига амал қилмаганлардан) **бирига ўлим келганида: «Парвардигор, мени (яна ҳаётга) қайтаринглар. Шояд, мен қолган умримда яхши амал қилсам», деб қолур. Йўқ!** (У асло ҳаётга қайтарилмас). **Дарҳақиқат бу** (ҳар бир жон бераётган кофир) **айтадиган сўздир. Уларнинг ортида то қайта тириладиган кунларигача** (дунёга қайтишларидан тўсиб турадиган) **бир тўсиқ бўлур»** (Муъминун сураси, 97-100-оятлар).

Шундай экан, шу бугун, ортга қайтишни орзу қиладиган кун келмасдан туриб, дунё ва охират учун амал қилиб қолинг.

Шуни яхши билингки, бир умр охиратни унутиб, фақат дунё учун ишлаб ўтганингизда ҳам дунёдан Аллоҳ тақдир қилгандан ортиқ нарсага эришолмайсиз. Мана бу ҳадисни бир тадаббур қилиб кўринг.

Термизий ва бошқалар ривоят қилган бу ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганлар:

«Кимнинг ғами охират бўлса, Аллоҳ унинг бойлигини қалбида қилиб қўяди, сочилган ишларини жамлаб қўяди, дунё ўзи истамаган ҳолда унинг ҳузурига келаверади. Кимнинг ғами дунё бўлса, Аллоҳ унинг фақирлигини икки кўзи ўртасида қилиб қўяди, йиғилган ишларини сочиб ташлайди, дунёдан эса унга Аллоҳ битиб қўйганидан бошқаси келмайди». (Имом Термизий ривояти).

Ўзингизга бир савол бериб кўринг, жисмингизни дунё ва охират ишларида қаритмоқдамисиз ё фақат дунё ишидами?!

Аллоҳ ва Расулининг тоатида қаритмоқдамисиз ё Аллоҳ ва Расулининг маъсиятидами?!

Ўтган умрингиз ҳақида ўзингизни бир саволга тутинг, жисмингизни Аллоҳ ва Расулининг тоатига бўйсундирдингизми ё Аллоҳ ва Расулининг маъсиятигами?!

Аллоҳ сизга бу жисм неъматини у билан Ўзига осий бўлишингиз учун берганми ё Унга итоат этишингиз учунми?!

Яхши билингки, маъсият дунё ва охиратдаги барча бахтсизликлар, танглик ва балоларнинг сабабидир. Тоат эса дунё ва охиратдаги барча муваффақият, зафар ва яхшиликлар сабабидир.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо айтадилар: «Тоат таъсирида юзда нур, қалбда нур, баданда қувват, ризқда кенг-мўллик, халқлар қалбида муҳаббат ҳосил бўлади. Маъсият таъсирида эса юзда қоралик, қалбда зулмат, баданда заифлик, ризқда танглик, халқлар қалбида нафрат ҳосил бўлади».

Бир киши Иброҳим ибн Адҳам ҳузурига келиб:

- Эй Иброҳим! Қандай қилиб Аллоҳ таолога маъсият қилишни тарк этсам бўлади? - деб сўради.

Иброҳим деди:

- Беш нарсани эсда тут, агар шуларга амал қилсанг, ҳаргиз Аллоҳнинг маъсиятига тушмайсан ва қадаминг тойилса, тезлик билан Аллоҳ таолога тавба қиласан.

- Майли, айтинг эй Иброҳим - деди киши.

- Биринчиси, агар Аллоҳга маъсият қилмоқчи бўлсанг, Аллоҳ берган ризқдан ема.

- Қандай қилиб, ахир ҳамма ризқ ҳам Аллоҳнинг қўлида-ку?!

- Аллоҳ берган ризқни еб туриб, Аллоҳга осий бўлишни ўзингга муносиб кўрасанми?!

- Аллоҳ сизни Ўз раҳматига олсин, эй Иброҳим. Иккинчисини айтинг.

- Иккинчиси, қачон Аллоҳга осийлик қилишни истасанг, Аллоҳнинг мулкига дохил бўлмаган жойга бориб, ўша ерда осий бўл.

- Қандай қилиб, ахир еру осмонлар ҳаммаси Унинг мулки-ку?!

- Мулк эгасига Унинг мулкида туриб осийлик қилишдан уялмайсанми?!

- Аллоҳ сизни Ўз раҳматига олсин. Учунчисини айтинг.

- Учунчиси, агар Аллоҳ таолога маъсият қилмоқчи бўлсанг, Аллоҳ сени кўрмайдиган жойга бориб қил.

- Қандай қилиб, Аллоҳ ҳамма жойда кўриб ва эшитиб туради-ку?!

- Аллоҳ сени кўриб турганини аниқ билиб туриб, Унга осийлик қилишдан уялмайсанми?!

- Аллоҳ сизни Ўз раҳматига олсин. Тўртинчисини айтинг.

- Ҳузурингга жон олғувчи фаришта келганида сен унга: «Менга бир соатгина муҳлат бер, токи Аллоҳга тавба қилиб, Унинг тоатига кириб олай», деб айт.

- Қандай қилиб, эй Иброҳим?! Ахир Аллоҳ таоло айтган-ку: **«Қачон уларга ажаллари келса, уни бирон соатга кетга ҳам, илгарига ҳам сура олмайдилар»** (Аъроф сураси, 34-оят), деб!

- Шунни билиб туриб, тавба ва солиҳ амаллар қилишни ортга суришни қандай ўзингга эп кўрасан?!

- Аллоҳ сизни Ўз раҳматига олсин. Бешинчисини айтинг.

- Бешинчиси, жаҳаннам посбонлари сени жаҳаннамга олиб кетиш учун олдингга келганларида, асло улар билан борма!

Шунда ҳалиги одам қаттиқ йиғлади ва Аллоҳга тоат-ибодат қилишга аҳд берди.

Эй мусулмон! Аллоҳга осий бўлишдан олдин мана шу беш нарсани хаёлингдан ўтказ, билгинки, сен бир заиф инсонсан, қадаминг Аллоҳнинг маъсиятига тойилса, дарҳол тавбани янгилаб ол, унутмагинки, Аллоҳ таоло тавба қилувчиларни ва мудом ўзларини пок тутувчиларни суяди.

Дунё яралибдики, ҳар кеча Аллоҳ азза ва жалла Ўз камоли ва жалолига муносиб кўринишда дунё осмонига тушади ва: **«Мен Подшоҳман, Мен Подшоҳман, ким Менга дуо қиладики, ижобат қилсам?! Ким Мендан сўрайдики, унга ато этсам?! Ким Менга истиғфор айтадики, гуноҳини кечирсам?!»**, дейди ва тонг отгунича мана шу ҳолат давом этади. (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Буюк арш соҳиби бўлган Улуғ Аллоҳдан барчамизнинг хотимамизни чиройли қилишини сўрайман. У бунга қодир Зотдир.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVAT MARVARIDLARI